

Президент ёшларнинг касбга интилишини қўллаб-қувватлади



Давлатимиз раҳбари Косон туманидаги “Ишга марҳамат” мономарказини бориб кўрди.

Бу ерда техника ва хизмат кўрсатиш соҳаларида 20 га яқин касб-хунарга ўқитиш йўлга қўйилган. Ўқув ва машғулот хоналари тегишли ускуна, компьютер, муляж ва бошқа жиҳозлар билан таъминланган.

Энг муҳими, ўқиш, ўрганиш ёши чегараланмаган. Бу ерда барча истовчилар, вақтинча ишсиз кишилар ҳам келиши мумкин. Бундай имониятдан фойдаланиб, аҳоли меҳнат бозорида талаб юқори бўлган электрик, сантехник, пайвандчи, ошпаз, қандолатчи, сартарош ва тикувчи каби касбларни ўрганмоқда. Уларга жаҳон стандартлари даражасида кўникма бериш мақсадида Германия, Туркия ва Япония давлатларидан мутахассислар жалб қилинган. Марказ қошида хорижий тилларни ўқитиш ҳам йўлга қўйилган.

Бу ерда нафақат Косон, балки қўшни туманлардаги ишсиз фуқароларга 2 ойдан 6 ойгача бўлган курсларда дарс берилади.

Президентимиз марказда яратилган шароитларни кўздан кечирди, касб ўрганаётган йигит-қизлар билан суҳбатлашди.

- Сизларнинг эртанги кунингизга бепарқ бўлмай, касбга интилишингиз мени хурсанд қилди. Бундай марказларни нима учун қиляпмиз? Илгари ёшлар касб эгаллаши учун Тошкентга ёки бошқа шаҳарларга борарди. Энди ўша шароитларнинг ўзи ёшларнинг олдига келаяпти. Мақсадимиз - аҳолини касб-хунарни қилиш. Яхши хунари бор одам ишсиз қолмайди, керак бўлса уйдан олиб кетишади. Шунинг учун бу имкониятлардан фойдаланиб, йўлингизни топиб олишингиз керак, - дея таъкидлади давлат раҳбари.





Манба